**ШАРТНОМА № 04/22**
**ЛОТ 22110012191672**

**Андижон шахар** 06 **декабр 2022 йил**

Бизларким қуйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан **«OPTIK» МЧЖ** номидан Очилов О. келгусида «Сотувчи» деб номланади ва иккинчи томондан **Андижон Давлат Университети** номидан ректор Юлдашев А.С. келгусида «Харидор» деб номланиб қуйидаги мазмунда шартнома туздик.

## I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

**1.1.** «Етказиб берувчи» мазкур шартнома буйича "Харидор"га узаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги махсулот (товар)лар етказиб бериш, "Харидор" эса етказиб берилган махсулот (товар)ларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофик, белгиланган тулов кетма- кетлигига риоя қилган холда туловларни амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади.

| № | Махсулот (товар)лар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Установка для исследования эффекта Холла в полупроводниковых материалах | дона | 1 | 65 000 000 | 65 000 000 |
| 2. | Установка для вольт –амперной характеристики в полупроводниковых материалах | дона | 1 | 52 000 000 | 52 000 000 |
| | **ЖАМИ:** | | | | **117 000 000** |

## II. МАХСУЛОТ (ТОВАР) СИФАТИ.

**2.1.** Етказиб бериладиган махсулот (товар)нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган Давлат стандарт (ГОСТ)лари ва бошқа меъёрларга мувофиқ булиши хамда сифат сертификатидан ўтказилган булиши лозим.

## III. ШАРТНОМА БАХОСИ, МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

**3.1.** Мазкур шартнома умумий бахоси: 117 000 000 (Бир юз ун етти миллион) сўмни ККС сиз ташкил этади.

**3.2.** Хисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шартнома хар иккала томонларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради ва 10 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган махсулот (товар)ларнинг умумий суммасининг 30% ини олдиндан «Етказиб берувчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

**3.3.** «Харидор» томонидан 30 % миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Етказиб берувчи» 10 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулот (товар)ларни «Харидор» га етказиб беради.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**4.1.** Томонлар бошқа томоннинг хужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

**4.2.** «Етказиб берувчи»ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Махсулот (товар)»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- Агар «Махсулот (товар)»ни етказиб бериш жараёнида «Етказиб берувчи»шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса «Харидор»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

**4.3.** «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Етказиб берувчи»томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилишга;
- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

**5.1.** Етказиб берилаётган «Махсулот (товар)» сифати, миқдори . «Етказиб берувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши холлари аниқланган тақдирда «. «Етказиб берувчи» етказиб берилаётган «Махсулот (товар)»нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган суммадан ташқари «Харидор»га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

**5.2.** *«Махсулот (товар)»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган такдирда . «Етказиб берувчи» «Харидор»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Махсулот (товар)» қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.*

**5.3.** *Етказиб берилган «Махсулот (товар)»учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Харидор» . «Етказиб берувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.*

**5.4.** *Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.*

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБЛАРИ

**6.1.** *Томонлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал килинади.*

**6.2.** *Агар низолар ёки келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда Иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.*

## VII. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

**7.1.** *Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар «Ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа холатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.*

**7.2.** *Юқоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.*

## VIII. ШАРТНОМАНИНГАМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

**8.1.** *Шартнома хар иккала томонларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан имзоланиб, тасдикланган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.*

## IX. УМУМИЙ ШАРТЛАР.

**9.1.** *Ушбу шартномани бажариш, бекор қилиш ёки уни ўзгартиришлар киритиш ёзма равишда расмийлаштирилиб, хар иккала томонларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан имзоланиб, Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтган холлардагина қонуний кучга эга бўлади.*

**9.2.** *Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.*

**9.3.** *Шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.*

**9.4.** *Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи» да иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади.*

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
| --- | --- |
| **«OPTIK» МЧЖ** | **Андижон Давлат Университети** |
| Адрес: г.Ташкент, ул. Шивли 48 | Андижон ш. университет к. 129 |
| тел. 90 321-95-07 | ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI |
| р/с 20208000700187536001 | H/R: 23402000300100001010 |
| в Академическом отделении НБ ВЭД РУз | MFO:00014 STIR:201122919 |
| МФО 00431, ИНН 200658734, | MB BB XKKM TOSHKENT SHAHAR |
| ОКЭД 72190 | ShH/V: 400110860034017094100079001 |
| | INN:202217655 OKONX:92110 |
| | ШХВ 302810860034017097300254009 |
| Рахбар: ________ Очилов О. | Рахбар: ________ Юлдашев А.С |
| OPTIK | Юрисконсульт: М.Содикова |